

3-5-2019

The development of modern innovative foundations of democracy is a key factor in enhancing opportunities for sovereign political development

Idirov Ulug'bek Yusupovich
demjamtdshi@inbox.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud

 Part of the [Political Science Commons](#)

Recommended Citation

Yusupovich, Idirrov Ulug'bek (2019) "The development of modern innovative foundations of democracy is a key factor in enhancing opportunities for sovereign political development," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 1 , Article 5.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss1/5

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



В результате создания коммуникативных барьеров усиливается расслоение общества на богатых и бедных, растущая инфляция и цены также «управляются», что приводит к снижению качества жизни у менее обеспеченной части населения и росту недовольства. Хаотично управляемое руководство начинает искать (причем довольно успешно) внутренних и внешних врагов, тормозящих великую трансформацию, создавая тем самым благодатную почву для социо-культурных, политико-экономических, межэтнических и межконфессиональных противоречий.

Таким образом, несмотря на различия стран (Югославии, Афганистана, Ирака, Ливии, Украины и др.), общие признаки бессубъектного развития, являющиеся плодом стратегии «управляемого хаоса», более или менее очевидны. На наш взгляд, это проявление новых форм Пост-неоколониализма, проявляющееся в перехвате управления в стране или регионе, блокировании потенциальной и реальной способности государств к подлинному инновационному развитию. События в Венесуэле – подтверждение этой мысли. Осознание и осмысление этого «мягкого», невидимого оружия как одного из основных вызовов и угроз XXI века – дело ответственности как политиков, так и всех здравомыслящих людей.

ИДИРОВ УЛУҒБЕК

Сиёсий фанлар доктори, ТошДШИ

Демократиянинг замонавий инновацион асосларини ривожлантириш суверен сиёсий тараққиёт имкониятларини кенгайтиришнинг етакчи омили

***Аннотация.** Мазкур илмий мақолада, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йилнинг 28 декабрь куни Парламентга тақдим этилган Мурोजаатномада илгари сурилган ва тарихий аҳамиятга молик бўлган янги концептуал гоялар ҳамда уларнинг юртимизда Ҳаракатлар стратегияси заминида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янги сифат босқичига кўтарилишидаги беқиёс катта роли билан боғлиқ таҳлилий фикрлар баён қилинган.*

Жумладан, жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви ва унинг таъсири туфайли вужудга келган мураккаб халқаро вазият, халқаро вазиятнинг мустақил сиёсий тараққиётни амалга ошириши жараёнида эътиборга олинishi зарурати, юртимизда ислохотларнинг ҳозирги кундаги босқичида жамият сиёсий тизимини янада демократлаштириши, самарадорлигини оширишига доир етакчи вазифалар сифатида қўйилиши билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Президент Мурोजаатномасида асослаб берилган парламентнинг қарорлар, қонунлар қабул қилиши ва, айни пайтда, ижросини назорат этиши фаолиятини кучайтириши, парламентнинг фаолиятида демократик механизмларни қўллаш амалиётини такомиллаштириши масалаларига ҳам алоҳида катта эътибор қаратил-



ган. Мақолада, Президент Мурोजаатномасида асослаб берилган ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириши, Вазирлар Маҳкамаси фаолияти самарадорлигини ошириши билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида ҳам фикрлар юритилган.

Мақола муаллифи, шу ўринда, мамлакатимизда замонавий демократиянинг энг илгор моделлари амалга оширилаётганлиги ҳақида фикр юритган. Жумладан, “Мониторинг демократияси”, “Делибератив демократия”, “Электрон демократия”, “Ҳаракатчан демократия” каби замонавий тушунчалар ва демократиянинг янги моделлари ҳақида таҳлилий фикрларни баён қилган.

Мақолада Президент Мурोजаатномасида илгари сурилган ҳозирги даврнинг энг етакчи талаблари асосида мамлакатимизни тараққий эттириши ва янгилашнинг долзарб эҳтиёжларини ўзида мужассам этган инновацион давлат сиёсатини амалга ошириши ва бунда демократиянинг замонавий механизмлари ва принципларига таянилган ҳолда, улкан самарага эришиши билан боғлиқ улғувор вазифалар таҳлил қилинган. Айни пайтда инновацион сиёсатни ҳаётга тадбиқ қилишининг етакчи тамойиллари, фалсафаси халқимизнинг орзу умидлари, қарашларига монанд эканлиги кўрсатиб берилди. Шу муносабат билан замонавий инновацион демократик тараққиётнинг жамиятмиз ҳаётида амалга оширилишининг аҳамияти билан боғлиқ хулосалар баён этилган.

Таянч сўз ва иборалар: Президент Мурोजаатномаси, демократия, инновацион сиёсат, парламент, ижро этувчи ҳокимият, давлат бошқарувини оптималлаштириши, “ақлли” бошқарув, иқтисодиётни янгилаш, рақамли иқтисодиёт.

Аннотация. В данной научной статье анализируется значение концептуальных идей, выдвинутых в Послании Президента Республики Узбекистан парламенту от 28 декабря 2018 года. Особое внимание уделяется на важность в поднятии на новый уровень широкомасштабных реформ в стране, осуществляемых на основе Стратегии действий.

В частности, освещены вопросы углубления глобализационных процессов, происходящих в мире и сложная международная обстановка, сложившаяся под его влиянием, необходимость учета международной обстановки в процессе осуществления самостоятельного политического развития, главные задачи дальнейшего повышения эффективности политической системы, демократизации общества на современном этапе реформ, осуществляемых в нашей стране.

В обращении Президента уделено особое внимание вопросам усовершенствования практики усиления деятельности парламентского контроля за решениями, принятию законов и применения демократических механизмов в деятельности парламента. В статье также идет речь об оптимизации системы исполнительной власти, обоснованной в обращении Президента, об актуальных вопросах повышения эффективности деятельности Кабинета Министров.

Автор статьи ведет речь о том, что в нашей стране осуществляются самые передовые модели современной демократии. В частности, излагает свои аналитические мысли о таких понятиях, как «Демократия мониторинга», «Делиберативная демократия», «Электронная демократия», «Подвижная демократия» и о новых моделях демократии.

В статье анализируются великие цели и задачи, связанные с достижением больших результатов, с опорой на современные механизмы и принципы демократии в условиях осуществления инновационной государственной политики,



содержащей в себе актуальных потребностей обновления и развития нашей страны на основе самых передовых требований современности, которые были изложены в Обращении Президента. В то же время показано, что ведущие принципы, философия проведения в жизнь инновационной политики выражают ожидания и чаяния нашего народа. В связи с этим, в статье изложены выводы о важности осуществления современного инновационного демократического развития в жизни общества.

Опорные слова и выражения: Послание Президента, демократия, инновационная политика, парламент, исполнительная власть, оптимизация государственной власти, «умное» управление, обновление экономики, цифровая экономика.

Abstract. This scientific article analyzes the importance of the conceptual ideas put forward in the address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Parliament of December 28, 2018. Special attention is paid to their importance in raising large-scale reforms in the country to a new level, carried out on the basis of an Action strategy.

In particular, the issues of deepening globalization processes occurring in the world and difficult international situation under its influence, the need to take into account the international situation in the process of independent political development, the main tasks of further improving the effectiveness of the political system, democratizing society at the current stage of our country are illuminated in it.

The President's address paid special attention to improving the practice of strengthening parliamentary oversight over decisions, passing laws and applying democratic mechanisms in the activities of parliament. The article also deals with the optimization of the executive system, justified in the address of the President, about topical issues of increasing the efficiency of the activities of the Cabinet of Ministers.

The author of the article talks about the most advanced models of modern democracy being implemented in our country. In particular, he sets forth his analytical thoughts on such concepts as "Democracy of monitoring", "Deliberative democracy", "E-democracy", "Mobile democracy" and on other new models of democracy.

The article analyzes the great goals and objectives related to the achievement of great results, based on modern mechanisms and principles of democracy in the context of the implementation of innovative state policy containing the actual needs of our country's renewal and development based on the most advanced requirements of our time, which were set forth in the address of the President. At the same time, it is shown that the leading principles, the philosophy of the implementation of innovation policy express the expectations and aspirations of our people. In this regard, the article presents the conclusions about the importance of the implementation of modern innovative democratic development in society.

Keywords and expressions: President's address, democracy, innovation policy, parliament, executive power, state power optimization, smart management, economic renewal, digital economy.

Маълумки, бугунги кунга келиб, халқаро майдонда рўй бераётган глобал ўзгаришлар ва уларнинг натижасида намоён бўлаётган тенденциялар суверен сиёсий тараққиётни амалга ошириш имкониятлари ва шарт-шароитларига нисбатан янги ва янада мураккаброқ бўлган талабларни қўймоқда.

Умргузaronлик қилаётган замонамизнинг бундай хусусиятлари, ўз навбатида, халқаро стратегик барқарорлик даражасининг ниҳоятда паст ҳолатда



бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам, замонавий даврда тараққиётнинг шартлари янада мураккаб тус олмақда. Бунинг натижасида ҳозирги пайтда мамлакатларнинг сиёсий тараққиёт концепцияларини демократиянинг энг замонавий асосларини қўллаш эҳтиёжларидан келиб чиқиб янгилаш вазифалари ўта долзарб тус олмақда.

Зеро, ўзининг икки ярим йиллик тарихига эга бўлган демократия қадриятлари бугунги кунга келиб ҳам инсоният тараққиётининг энг мукамал ва кафолатли манбаи сифатидаги лаёқатини сақлаб турибди.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимиз учун кенг ва истиқболли тараққиёт йўлларини очиш мақсадида давлатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёев томонидан юртимизда демократик ислохотларни амалга ошириш ва янада ривожлантиришнинг юксак даражадаги прагматик ғоялари илгари сурилди.

Унинг моҳиятини демократиянинг инновацион қоидаларини жамиятимиз сиёсий тизимига чуқур тадбиқ қилишнинг янги сиёсий, ҳуқуқий ва амалий асосларини кенгайтириш орқали демократлашув жараёнларини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш ташкил этади.

Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб қилиб қўймоқда.

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак”¹.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан бугунги кунда мамлакатимизда халқ билан мулоқот тизимининг жорий қилиниши натижасида замонавий ва, айни пайтда, ўта самарали бўлган делибератив демократиянинг улуғвор асослари ишлай бошлади. Бунинг натижасида асосида мамлакатимизнинг кенг қўламли ривожланиши учун бекиёс катта қўламдаги замонавий имкониятлар вужудга келди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширила бошланиши билан, мамлакатимиз ривожининг том маънодаги янги сифат босқичига қадам қўйилди. 2017 йилдан буён юртимизда бешта устувор йўналиш бўйича изчил равишда рўй бераётган ва ўз моҳиятига кўра, замонавий тараққиётнинг тобора мукамал асосларини камраб олаётган ислохотлар туфайли, бугун мамлакатимиз дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун бекиёс катта имкониятларга эга бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февраль куни қабул қилинган Фармонида белгилаб қўйилганидек, “Ҳаракатлар страте-

¹ Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. [Rule of law and ensuring the interests of the people - the basis of the development of the country and the welfare of the people]. (In Uzbek.) -T.: O'zbekiston, 2017 B. 14.



гияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади”¹.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида юртимизда Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича режадаги вазифалар юқори кўламда бажарилди. Буларнинг самараси ўлароқ, бугунги кунга келиб, давлатимиз олдида тараққиётнинг мислсиз катта ҳажмдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлари вужудга келди. Натижада, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги истиқболли режаларни рўёбга чиқариш учун потенциал имкониятлар базаси кенгайтирилди.

Давлатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганимиз ўтган йили яхши ният билан бошланган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди”².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 28 декабрида Олий Мажлисга тақдим қилинган ва мамлакатимиз ҳаёти учун тарихий аҳамиятга эга бўлган Мурожаатномасида асосланган концептуал хулосалар ва ташаббусларда Ҳаракатлар стратегиясини изчил ривожлантиришнинг энг замонавий асослари ўзининг чуқур аксини топди.

Мурожаатномада, ҳозирги даврнинг энг етакчи талаблари, мамлакатимизни тараққий эттириш ва янгилашнинг долзарб эҳтиёжларини ўзида мужассам этган инновацион давлат сиёсатини амалга ошириш ва бунда демократиянинг замонавий механизмлари ва принципларига таянилган ҳолда, улкан самарага эришиш билан боғлиқ улуғвор вазифалар ифодаланди. Айни пайтда, инновацион сиёсатни ҳаётга тадбиқ қилишнинг етакчи тамойиллари, фалсафаси халқимизнинг орзу умидлари, қарашларига монанд равишда кўрсатиб берилди.

Зеро, умргузаронлик қилаётган давримизда, халқаро майдонда глобаллашувнинг жиддий равишда чуқурлашуви, глобал рақобатнинг дунё тараққиётининг барча майдонларида, жумладан, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, илмий-технологик соҳаларда ҳаддан зиёд кучайиши туфайли барқарор ривожланишнинг имкониятлари ҳам ниҳоятда қийинлашиб бормоқда. Эндиликда рақобатнинг ташқи таъсирлари, ҳаттоки, “миллий давлатлар ички инновацион сиёсатининг амал қилиш жараёнларига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатмоқда”³.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the Strategy for Action for the Further Development of the Republic of Uzbekistan”]. (In Uzbek.) - T.: Adolat, 2017. 6-bet.

² O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis] (In Uzbek.) // Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230)

³ Ivanova N. Innovatsionnaya politika: teoriya i praktika. [Innovation policy: theory and practice.] (In Russ.) // Mirovaya ekonomika i mejdunarodnie otnosheniya. -2016. -№1.s.12.

SHARQSHUNOSLIK / ВОСТОКОВЕДЕНИЕ / ORIENTAL STUDIES 2019, № 1—2



Боз устига жаҳон миқёсида янги замонавий дунёвий тартиботнинг шаклланиб улгурмаганлиги ҳолати билан боғлиқ сиёсий вазият халқаро муносабатлар тизимининг мураккаблигини янада кучайтирмоқда.

Айни пайтда, глобаллашув “ўзининг интенсивлигини ниҳоятда ошириб юборди. Унинг доирасида нодавлат акторлар фаолиятининг ҳажми кўпайиб бормоқда”¹.

Ушбу ҳолат давлатларнинг барқарор тараққиёт йўлидан оғишмасдан олдинга интилиб боришлари учун инновацион сиёсатни муттасил равишда амалга ошириш имкониятларини яратиб бориш заруратини объектив равишда тақозо қилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда.

Биз келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур”².

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга тақдим этган янги Мурожаатномасида эндиликда амалга ошириладиган ислохотларнинг демократия ғоялари ва кадриятларига таянувчи қоидалари ва ислохотларни ҳаракатга келтиришнинг кенг қамровли комплекс инновацион сиёсат тимсолидаги воситаси асослаб берилди.

Зеро, айнан демократия ва унинг замонавий механизмларидан самарали фойдаланиш орқалигина ҳозирги замон эҳтиёжлари ва талабларига мос жавоб бера оладиган инновацион давлат сиёсатини реал амалга ошириш мумкин бўлади.

Шу муносабат билан, Президентимиз Мурожаатномасида қуйидаги фикрлар ўз ифодасини топгандир: “Биз демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак марралар сари борамиз”³.

Президент Мурожаатномасида мамлакатимизда амалга ошириладиган замонавий давлат сиёсатининг марказида фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш қоидалари устувор эканлиги алоҳида эътироф қилинди: “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир”⁴.

¹ Rabotyajev N. Aktualnie problemi mirovoy evolyusii v zerkale otechestvennoy politologii [Actual problems of world evolution and the mirror of domestic political science] (In Russ.) // Mirovaya ekonomika i mejdunarodnie otnosheniya. -2017. -№5. s.113.

² O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis] (In Uzbek.) // Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230)

³ O‘sha manba.

⁴ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis] (In Uzbek.) // Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230).



Замонавий жаҳон тажрибаси намоён қилаётганидек, демократик, инновацион давлат сиёсати жамият ҳаётининг барча соҳаларини, жумладан, давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият кабиларнинг бирдек қамраб олиншини назарда тутмоқда. Айти пайтда, инновацион фаолликнинг жамият ҳаётининг барча йўналишларида ўзаро боғлиқликда жорий қилиниши зарурати кучли даражада талаб этилмоқда.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан “кириб келаётган янги 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилиши билан жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи тараққиёт Дастурининг рўёбга чиқиши учун янги улкан имкониятлар очиб берилди.

Зеро, ижтимоий соҳани ривожлантириш, айти пайтда, кучли иқтисодиётни тақозо қилади. Ўз навбатида, ижтимоий ривожланиш орқали мамлакатимиз мустақил демократик тараққиётдан кўзланаётган улуғвор мақсадларга эришишнинг қудратли манбалари шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз.

Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса, ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади.

2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади”¹.

Мурожаатномада алоҳида эътибор қаратилган муҳим масалалардан бири шундан иборат бўлдики, эндиликда инновацион давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлган иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнлари сифат жиҳатдан том маънодаги янги даражага кўтарилди ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида юксак салоҳиятга эга бўлган кучли давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Шу муносабат билан, Давлатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасига мамлакатимизни 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Маълумки, инновацион сиёсат ғояси ва принциплари, энг аввало, инновацион жараёнларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат сиёсий қарорларини изчиллик билан амалга ошириб бориш етакчи ўринни эгаллайди.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis] (In Uzbek.) // Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230).



Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мурожаатномада мамлакатимиз иқтисодиётини дунёнинг энг талабчан ва замонавий андозаларига монанд равишдаги моделини шакллантириш вазифаси қўйилди ва уни амалга оширишнинг кафолатли йўллари кўрсатиб берилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур.

Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам бунни тасдиқламоқда”¹.

Маълумки, замонавий дунё амалиётида рақамли иқтисодиётни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш инновацион сиёсатнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Халқаро экспертлар рақамли иқтисодиётга, рақамли, информацион-коммуникатив технологияларни қўллашга аосланган иқтисодий фаолият деб, таъриф берган эдилар.

Маълумотларга кўра, рақамли иқтисодиёт атамаси 1995 йилда Американинг Массачусет университетининг информацион технологиялар бўйича мутахассиси Николас Негропonte томонидан муомалага киритилган эди. Айнан рақамли иқтисодиёт ҳозирги даврда иқтисодиётнинг интенсивлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг етакчи омили сифатида намоён бўлмоқда. Иқтисодиётга инновацияларни жорий қилишнинг энг мақбул йўли ҳам рақамли иқтисодиётда ўзининг аксини топгандир.

Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ниҳоятда юқори даражага кўтариш вазифалари жамиятимиз сиёсий тизимини янада кучли даражада демократлаштириш, унинг асосида давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини мисли кўрилмаган даражада ошириш, сиёсий бошқарув тизимига ҳам инновацион технологиялар жорий қилиш вазифалари билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда.

Зеро, инновацион сиёсатнинг квинтэссенцияси демократиянинг энг замонавий қоидаларидан фойдаланиш асосида давлат қурилиши ва бошқарувини янгилаш ва унинг заминидан мамлакатнинг илмий, иқтисодий, ижтимоий, маданий потенциалини бағоят юқори даражада кучайтиришдан иборатдир.

Хусусан, бугунги кунда ўзининг ҳар томонлама концептуал ифодасини топаётган ва демократия ғоялари, моделлари борасидаги ўзига хос кашфиётлар сифатида намоён бўлаётган “Мониторинг демократияси”, “Делибератив демократия”, “Электрон демократия”, “Ҳаракатчан демократия” деб номла-

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis] (In Uzbek.) // Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230).



нувчи демократиянинг янги моделлари тимсолида сиёсий ҳокимият билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятан янги бўлган демократик механизмлари ва улардан фойдаланиш ғоялари илгари сурилмоқда.

Мазкур ғояларда жамиятда демократик ҳамкорлик майдонини замонавий талаб ва эҳтиёжлар асосида бениҳоя юқори даражада кенгайтириш, уларни реал сиёсий жараёнлар билан уйғунлаштириш масалалари ўзининг чуқур ифодасини топгандир¹.

Президент Мурожаатномасининг концепциясида мамлакатимизда амал қилаётган давлат ҳокимияти органлари фаолиятини изчил равишда демократлаштириш орқали уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш масалаларига етакчи эътибор қаратилгандир.

Зеро, инновацион давлат сиёсатини амалга ошириш сиёсий институтлар ташкилий, функционал асосларининг замон талаблари билан уйғунликда такомиллаштириб борилишини тақозо этади.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этиш – олдимизга қўйган вазифалар бажарилишининг асосий шартидир”².

Шу муносабат билан, Мурожаатномада мамлакатимиз Қонун чиқарувчи Ҳокимиятининг амал қилиш қоидалари, демократик асосларини янада ривожлантириш, унинг ваколатлари доирасини кенгайтириш бўйича моҳиятан янги вазифалар ифодалаб берилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш лозим.

Ҳозирги кунда Конституцияга мувофиқ, парламент Бош вазирни тасдиқлайди. Лекин вазирларни лавозимга қўйишда қатнашмайди.

Шунинг учун Ҳукумат аъзолари парламент олдида масъулиятни етарли даражада ҳис этаётгани йўқ. Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиётини киритишни таклиф этаман. Айни вақтда, жойлардаги маҳаллий кенгашларда ҳам вилоят ва туман идоралари раҳбарларини тасдиқлаш бўйича мана шундай амалиётни жорий этиш керак”³.

Мазкур ғоялар асосида мамлакатимизда марказий ва маҳаллий вакиллик органлари нуфузини демократик меъёрлар асосида ошириш вазифалари рўёбга чиқарилади. Бунинг натижасида халқ ҳокимиятчилиги заминлари янада мустаҳкамланади.

¹ Peregudov S. Konsepsiya monitoringovoy demokrati: k novim otnosheniyam vlasti i obshestva [The concept of monitoring democracy: to new relations of government and society] (In Russ.) // - Polis. -2012. -№6. С.5.

² O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis] (In Uzbek.) // Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230)

³ O‘sha manba.



Президент Мурожаатномасида ҳокимиятнинг муҳим тармоғи бўлган “Ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш зарур” деган муҳим янги ғоялар илгари сурилди. Бунинг асосида ижро этувчи ҳокимиятнинг кенг қамровли ислохотларни амалга оширишдаги иштирокининг мавқеи янада оширилди.

Таъкидлаш жоизки, Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида давлат бошқарувида инновацион асосларни кенгайтиришнинг энг замонавий эҳтиёжларидан келиб чиқувчи усуллари ва принциплари кўрсатиб берилди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, “Биз фуқаролар билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олиб, давлат бошқарув тизимини ислох қилишимиз, илғор давлат менежменти ва “ақлли” давлат бошқарув принцип-арига босқичма-босқич ўтишимиз лозим.

Бу шуни билдирадики, энди давлат муассасалари бевосита фуқаро билан ишлашга ўтади.

Давлат идоралари халққа, жумладан, тадбиркорларга яқин кўмакчи бўлиши зарур”¹.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Мурожаатномасида асосанан ғояларда мамлакатимиз барқарор тараққиётининг ҳар томонлама мукамал бўлган концептуал асослари ва уларни кафолатли рўёбга чиқаришнинг замонавий механизмлари ўзининг чуқур ифодасини топди. Бу билан юртимиз раҳбарининг янги фундаментал заминлари, потенциал имкониятлари янада мустаҳкамланди.

Замонавий тараққиёт ғоясида, инсон капиталини ривожлантириш, унинг тафаккури, салоҳиятини жамиятнинг инновацион ривожига йўналтириш масалаларига алоҳида муҳим ўрин ажратилгандир. Зеро, инсон омили бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ даражада ҳаётни янгилаш ва замонавийлаштиришнинг қудратли манбаси сифатида намоён бўлмоқда.

Шу муносабат билан, Президент Мурожаатномасида мамлакатимиз аҳолисининг маданияти, ҳаётий қарашлари ва, энг муҳими, лаёқатини юксалтириш масаласига алоҳида катта аҳамият қаратилгандир.

Жумладан, мазкур тарихий ҳужжатда Давлатимиз раҳбари томонидан халқимиз миллий маданиятини юксалтириш ва унинг асосида жамиятимиз ижтимоий салоҳиятининг сифат кўрсаткичларини оширишнинг принципади жиҳатдан янги бўлган қоидалари асосланди. Унинг моҳиятини қуйидагилар ташкил этади:

Авваламбор, жамиятимиз миллий ғоясининг етакчи заминларини замон талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб янгилаш ва юксалтириш ҳамда унинг натижаларини юртимизнинг кенг қамровли ривожига йўналтиришнинг рационал заминлари асосланди.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis] (In Uzbek.) // Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230)



Президентимиз таъкидланганидек: “Олдимизга қўйган улкан вазифалари амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим”¹.

Зеро, бугун жамиятимизни тараққий эттиришнинг сиёсий фалсафасида инсон манфаатларини кафолатли ва кенг қамровли равишда рўёбга чиқариш, шахс эркинлиги ва камолотини энг эзгу мақсад сифатида белгилаб олиш устуворлик қилмоқда. Бундай ёндашув эса, жамиятни юксалтиришнинг энг талабчан замонавий мезонларига мос келади.

Ҳозирги давр демократия ғояларида инсон ва унинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқаришнинг шарт-шароитларини ривожлантириш орқали жамиятнинг кескин юксалтириш қоидалари етакчилик қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Барчамизга аёнки, ислохот – бу янгилаш, ўзгариш дегани. Ислохотлар ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради”².

Шу муносабат билан, жамиятимиз аъзоларининг замонавий фикрлайди-ан, мамлакатимиз ривожининг устувор вазифалари, мақсадларини юқори савияда англашга қодир, амалга ошириладиган ислохотларга нисбатан дахлорлик хисси билан яшаб, фаолият юргиза оладиган даражада юксалишлари учун Мурожаатномада фан ҳамда таълим-тарбия, илм масалаласига алоҳида катта ўрин ажратилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Халқимизда “таълим ва тарбия бешик-ан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди.

Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим принци-ига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим.

Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”³.

Шу муносабат билан алоҳида эътироф қилиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 17 январиди қабул қилинган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis] (In Uzbek.) // Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230)

² O‘sha manba.

³ O‘sha manba.



дастури тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз тараққиёт стратегиясида ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Фармон моҳиятан жамиятимиз тараққиётининг комплекс равишдаги инновацион асосларини ўзида мужассам этган сиёсий ҳужжатдир.

Фармон билан юртимизни ривожлантиришнинг концептуал асослари янада замонавийлаштирилди. Шу муносабат билан, халқ билан демократик мулоқот қилиш тизимини янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш жараёнлари ҳам изчил равишда амалга оширилмоқда.

Бу ўринда, Ўзбекистон республикаси Президентининг 2019 йил 17 январиди қабул қилинган “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони жамияти-изда самарали демократия қоидаларини кафолатли равишда рўёбга чиқиши учун ҳал қилувчи манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, мазкур фармонда таъкидланганидек: “2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналарини аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тугувчи янги тизим жорий қилинсин”¹.

Демак, эндиликда Президент Мурожаатномасида ифодаланган янги улуғ-ор ва реалистик ғоялар асосида давлат органларининг фаолият принциплари тубдан янгиланади. Бундан кўзланган бош мақсад инсон манфаатлари, эҳтиёжларини рўёбга чиқаришнинг энг мақбул ва самарали демократик қоидаларини жорий қилиш, унинг асосида юртимизда адолат ва инсон-арварлик қоидаларига асосланган сиёсий, ижтимоий муҳитни мустаҳкам қарор топтиришдан иборатдир.

Ушбу жараёнда “давлат халқ учун” қоидаси янада кучлироқ даражада рўёбга чиқади. Давлат билан жамият ўртасидаги демократик мулоқот тизимида мамлакатимиз фуқаролари мулоқотнинг фаол ва тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақоми ва фаоллиги янада ортади.

Бундай ижобий ўзгаришларнинг натижаси ўлароқ, мустақил ватанимиз-нинг ривожланиши учун потенциал асослар кучли даражада ривожланади.

1 O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Aholi muammolari bilan ishlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5633-son Farmoni. 17.01.2019 [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the system of working with the problems of the population"] (In Uzbek.) // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi – Lex.Uz. Available at: <http://lex.uz/> (accessed 20.01.2019)